



## КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ТАДҚИҚИ ҲАМДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ ТАВСИФИ

*PhD Мухаммадиев Заррух Умарович*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*ORCID: 0009-0003-3870-2497*

*[mukhammadiev90@mail.ru](mailto:mukhammadiev90@mail.ru)*

**Аннотация.** Мақолада капитал инвестицияларнинг мазмун-моҳияти илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда иқтисодий категория сифатида тадқиқ ва талқин қилинган. Капитал инвестицияларнинг тавсифи эса, унинг ҳисоб объекти сифатида очиб берилган бўлиб, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан фикр-мулоҳазалар баён қилинган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган қоидалар ҳисобга олинган ҳолда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган, шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг аҳамияти каби масалалар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** инвестициялар, инвестициялар ҳисоби, капитал инвестициялар, капитал инвестициялар ҳисоби, капитал инвестициялар тавсифи, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби объектлари.

## ИССЛЕДОВАНИЕ НАУЧНЫХ ВОЗЗРЕНИЙ НА КАПИТАЛЬНЫЕ ВЛОЖЕНИЯ КАК ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ И ОПИСАНИЕ ОБЪЕКТА УЧЕТА

*PhD Мухаммадиев Заррух Умарович*

*Самарқандский институт экономики и сервиса*

**Аннотация.** В данной статье научно и теоретически исследована сущность экономической категории зеленой экономики, роль хозяйствующих субъектов в условиях зеленой экономики, их социально-экономическая и экономическая деятельность, теоретические вопросы учета капитальных вложений, в частности, организация и ведение учета капитальных вложений в хозяйствующих субъектах освещены такие вопросы, как важность.

**Ключевые слова:** инвестиции, учет инвестиций, капитальные вложения, учет капитальных вложений, описание капитальных вложений, бухгалтерский учет, объекты учета.

## RESEARCH OF SCIENTIFIC VIEWS OF CAPITAL INVESTMENT AS AN ECONOMIC CATEGORY AND DESCRIPTION OF THE OBJECT OF ACCOUNTING

*PhD Mukhammadiev Zarrukh Umarovich*

*Samarkand Economy and Service Instiuti*

**Abstract.** In this article, the essence of the economic category of the green economy is scientifically and theoretically researched, the role of economic entities in the conditions of the green economy, their socio-economic and economic activities, theoretical issues of accounting for capital investments, in particular, the organization and maintenance of accounting for capital investments in economic entities Issues such as importance are covered.

**Keywords:** investment, investment accounting, capital investment, capital investment accounting, description of capital investment, accounting, accounting objects.

### Кириш.

Республикамизда 2017-2023 йилларда 1 квадриллион 460 триллион сўм миқдорида капитал инвестициялар киритилган бўлиб, инвестицияларнинг ҳажми эса, йилига ўртача 14,5 %дан ошиб борган. Шунингдек, мамлакатимизда ушбу даврда ялпи ички маҳсулот улуши 5,3 %ни ташкил этган бўлиб, унинг асосий қисми, яъни 3,9 % миқдори инвестициялар натижасида вужудга келган. Республикамизда инвестицияларнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда ва ушбу кўрсаткич 2023 йилда 33 %га ошган<sup>58</sup>. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, шуни англатадики, мамлакатимизда яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг қўллаб-қувватланилаётганлиги хорижий мамлакатларнинг молия-банк ташкилотларининг бизнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишини янада ошириб, инвестицион жозибадорликни таъминламоқда. Натижада, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналаримизга хорижий инвестицияларнинг кириб келишига сабаб бўлади, деб ҳисобаймиз. Бу эса, корхоналарда янги маҳсулот турларининг пайдо бўлишига, уларнинг сифатини жаҳон стандартларига мослаштиришга, ишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришига, маҳсулот таннархининг пасайишига туртки бўлади. Ушбу жараёнларни оптималлаштириш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, хусусан корхоналарда капитал инвестицияларни халқаро меъёрлар доирасида тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини юритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

### Тадқиқот методологияси.

Капитал инвестицияларнинг иқтисодий категория сифатидаги илмий қарашлар тадқиқи ҳамда бухгалтерия ҳисоби объекти тавсифи, хусусан яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### Адабиётлар шарҳи.

Юқорида келтирилган долзарб вазифалар натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ва миллий стандартлар ҳамда хорижий ва маҳаллий адабиётлар тадқиқ этилганда аниқ бўлдики, инвестициялар атамасига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларга оид турли хил таъриф ва тавсифларни учратиш мумкин.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг (2019) 3-моддасида инвестиция тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда келтирилган ушбу таърифга мувофиқ, ҳўжалик юритувчи субъектларга инвестицияларни киритишдан асосий мақсад бу фойда олиш ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан Уразов ва Пўлатовларнинг (2021) фикрича, “Инвестициялар – бу корхонанинг бошқа корхоналарга уларнинг қувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида ўзи ҳам моддий наф кўриш, қўшимча даромад олиш мақсадида киритган маблағлари”.

Астанакуловнинг (2020) илмий тадқиқот ишида “Инвестиция фаолияти деганда, иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига ресурсларнинг капиталлашувини таъминлаш ва фойда (даромад) олиш мақсадида инвесторларнинг ресурсларини жамғариш ва уларни турли шаклларда қўйиш билан боғлиқ бўлган барча амалий

<sup>58</sup> <https://daryo.uz/k/2024/04/08/ozbekistonga-20172023-yillarda-olib-kirilgan-kapital-miqdori-malum-boldi>

ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади”, деб таъриф келтирилган. Ушбу таъриф инвестициянинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги аҳамиятини очиб беради.

Очилов эса, (2021) “инвестиция келгусида иқтисодий ёки ижтимоий нафга эришиш мақсадида моддий, номоддий ва молиявий кўринишдаги бойликлар, шу жумладан уларга бўлган ҳуқуқларни маълум бир объектга таваккалчилик асосида муддатли йўналтиришдир”, деб изоҳлайди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифига оид қуйидаги илмий хулосалар қилинди:

**Биринчидан**, маҳаллий олимларимиз томонидан инвестицияларнинг “молиявий инвестициялар” ҳамда “ижтимоий инвестициялар” турлари бўйича етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Бироқ, айтиш мумкинки, инвестицияларнинг “капитал инвестициялар” турига оид илмий изланишлар етарлича деб бўлмайди.

**Иккинчидан**, капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи, шунингдек молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш масалалари ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бугунги кунда, корхоналар томонидан тузилаётган ва тақдим этилаётган молиявий ҳисобот шаклларида фақатгина, капитал инвестицияларнинг қисман турлари акс эттирилиб ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондирмасдан келмоқда.

**Учинчидан**, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларга жалб қилинган капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ахборотлар бирон бир ҳисобот шаклида акс эттирилмайди. Умуман олганда, капитал инвестициялар ҳисобини юритиш бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрларини бугунги рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитига мослаштириш зарурияти мавжуд бўлиб, бошқарув ахборот фойдаланувчилари учун капитал инвестициялар ҳисобига оид бошқарув ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, капитал инвестициялар ҳисобига оид илмий-ўқув адабиётларда олимлар томонидан унинг ҳисобини такомиллаштиришга оид умумий ёндашувлар қилиниб, таклиф ва тавсиялар берилган бўлсада, бироқ капитал инвестицияларнинг ҳисоб объекти сифатидаги тавсифи ва таснифига оид илмий изланишлар етарлича бажарилмаган.

Капитал инвестициялар ҳисоби ва унинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифини ишлаб чиқишда, даставвал, капитал инвестицияларнинг иқтисодий категория сифатидаги таъриф ва тавсифларини ўрганиб чиқиш зарурдир.

Тадқиқотлар давомида аниқ бўлдики, “капитал инвестициялар” категорияси айрим халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки адабиётларда “капитал қўйилмалар” деб келтирилган бўлиб, бу икки атама ўзаро синоним атамалар сифатида қўлланилган.

Россия давлатининг “Россия Федерациясида капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунида (1999) қуйидаги таърифни учратиш мумкин: “капитал қўйилмалар – асосий капиталга (асосий воситаларга) қўйилмалар, шу жумладан янги қурилиш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, машиналар, асбоб-ускуналар, асбоблар, инвентарларни сотиб олиш, лойиҳа қидирув ишлари ва бошқа харажатлар”. Ушбу қонун XX асрнинг охирида қабул қилинган бўлиб, унда бизнинг мамлакатимиз меъёрий ҳужжатларида келтирилгани каби Россия Федерациясининг ҳам норматив-

хуқуқий ҳужжатларида ҳам “капитал инвестициялар” атамаси “капитал қўйилмалар” номи билан ифодаланган. Таърифда капитал инвестицияларнинг асосий объектлар бўйича қилинган харажатларни назарда тутган бўлсада, бироқ капитал инвестицияларнинг бошқа активларга ҳам таъсири етарлича ҳисобга олинмаган.

АҚШ олимларидан У.Кентон, “Капитал қўйилмалар (Capital Investment) – бу компаниянинг узоқ муддатли бизнес мақсадлари ва вазибаларига эришиш учун фойдаланиш учун жисмоний активларни сотиб олиш. Кўчмас мулк, ишлаб чиқариш корхоналари ва машиналар капитал қўйилмалар сифатида сотиб олинган активлар қаторига киради”, деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда (2019) капитал инвестициялар иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф келтирилган: “Асосий фондларни яратиш ва такрор кўпайтиришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизация қилишга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритилган инвестициялар капитал инвестициялар жумласига киради”.

Забродин (2000) “Капитал қўйилма тушунчаси харажатлар кўлами ҳақида гапиради, уларнинг асосий манбаи корхонанинг ўз маблағлари – соф фойда (жамғарма фонди) ва амортизация. Хўжалик юритувчи субъектлар кўпинча ўз маблағлари ва қарз маблағларининг етишмаслигини бошдан кечираётган замонавий шароитда капитал қўйилмалар харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилишга эътиборни кучайтириши керак”. Корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишида келтирилган ушбу тавсиф капитал қўйилмаларнинг корхонанинг фойдаси эвазига қилинадиган харажатлари натижасида жорий этилиши ифодаланади.

Ахмедованинг (2022) фикрича, “Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали ривожланиши, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан юқори бўлишига эришиш, реал секторнинг фаол ҳаракати энг аввало уларни зарур бўлган капитал қўйилмалар етарли ҳажми билан таъминланиши керак бўлади. Замонавий рақамли иқтисодиёт ва инновацион иқтисодиёт шароитида республика иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган инвестицияларни кўпайтиришнинг янги ёндашувлари ва усуллари излаш энг долзарб муаммолардан биридир”. Ушбу тавсиф бугунги иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг аҳамиятини очиб бериб, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг муҳим эканлигини исботлайди.

“Корхона ўзини модернизация қилишга инвестиция қилаётган маблағлар капитализация харажатлари ёки капитал қўйилмалар деб аталади”.

“Капитал қўйилмалар келажакда фойда олиш мақсадида бизнесга пул қўйиш жараёнини англатади. Бу узоқ муддатли инвестициялар бўлиб, у маълум вақт давомида даромад олишни кутиш билан амалга оширилади. Ушбу узоқ муддатли сармоя активларни сотиб олиш, технологияларни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки янги инфратузилмани қуриш каби турли шаклларда амалга оширилиши мумкин”<sup>59</sup>.

“Капитал қўйилмалар деганда, компанияга ўз бизнес мақсадларини амалга ошириш учун қўйилган маблағлар тушунилади. Ушбу инвестициялар одатда молиявий активлар кўринишида амалга оширилади, аммо улар компания ёки лойиҳани ривожлантириш учун вақт ва куч сарфлашни ҳам ўз ичига олиши мумкин”<sup>60</sup>.

Юқорида интернет тармоқларида келтирилган таъриф ва тавсифлардан хулоса қилиш мумкинки, турли ахборот манбаларида капитал инвестицияларга оид турлича ёндашувлар амалга оширилган. Уларнинг айримларида капитал инвестицияларнинг

<sup>59</sup> <https://happay.com/blog/capital-investment/>

<sup>60</sup> <https://www.nasdaq.com/articles/capital-investment-definition-types-decisions-and-budgeting>

фақатгина даромад ва фойда кўрсаткичларини ёритилган бўлса, баъзиларида эса, корхона фаолиятини кенгайтирувчи омиллардан бири сифатида эътироф этилган. Бу шуни англатадики, бугунги кунда, “капитал инвестициялар” иқтисодий категорияси бўйича ва унинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида ягона концептуал асос мавжуд эмас.

Шу боис, юқорида тадқиқ қилинган капитал инвестицияларнинг ҳисоб объекти сифатидаги илмий ёндашувлар, илмий ва ўқув адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан келтирилган таъриф ва тавсифлар асосида биз томонимиздан қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: ***“Капитал инвестициялар деганда, бу хўжалик юритувчи субъектларни модернизациялаш, уларни реконструкция қилиш, кенгайтириш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда рақамли, инновацион технологияларга асосланган рақамли ишлаб чиқариш ва яшил майдон объектларини қуришга турли манбалар ҳисобидан йўналтирилган маблағлар мажмуаси тушунилади”.***

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу муаллифлик таърифи “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда келтирилган таъриф талабларига мувофиқ бўлиб, мамлакатимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмунан янада тўлиқроқ тўлдиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастурларида белгиланган ҳамда Республика Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” Қарорларида кўрсатилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида юритиш вазибалари муҳимдир. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга ошириш, шунингдек рақамли ва яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида капитал инвестициялар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича биз томонимиздан қуйидаги таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, унинг макро ва микро даражадаги таъсири ҳамда корхоналарнинг капитал инвестиция ҳисобини амалга оширишдаги аҳамияти тадқиқ қилинди. Корхоналарда капитал инвестициялар ҳисобини юритишда мавжуд муаммолар тизимлаштирилди.

Шунингдек, капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги барча жиҳатларини ўзида қамраб олувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: ***“Капитал инвестициялар деганда, бу хўжалик юритувчи субъектларни модернизациялаш, уларни реконструкция қилиш, кенгайтириш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда рақамли, инновацион технологияларга асосланган рақамли ишлаб чиқариш ва яшил майдон объектларини қуришга турли манбалар ҳисобидан йўналтирилган маблағлар мажмуаси тушунилади”.***

Капитал инвестицияларнинг тавсифи ва аҳамияти очиб берилди. Биз томонимиздан таклиф этилган капитал инвестициялар тавсифи уларнинг таснифий асосларини ишлаб чиқишга қўмаклашиб корхоналарда рақамли ва яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишда, уларга оид ахборотларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида аниқ акс эттиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Биз томонимиздан эришилган ушбу натижалар капитал инвестициялар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштиришга, хўжалик юритувчи субъектларда капитал инвестициялар ҳисобини тўғри ташкил этишга, уларни ҳисоботларда аниқ акс эттиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар/ Литература/ Reference:**

Астанакулов О.Т. (2020) Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. -Т.: 35 б.

Ахмедова Ю.С. (2022) Инвестицион муҳит – иқтисодиёт ривожининг муҳим омили сифатида // Молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.:ТДИУ. 956 б. 492-бет.

Забродин И.П. (2000) Организация учета и аудита капитальных вложений хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснадар. 19-с.

Очилов О.И. (2021) Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилинди такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. -Т.: 228 б. 27-бет.

Россия Федерациясининг Қонуни (1999) “Россия Федерациясида капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Федерал Қонуни.25 февраль. № 39-ФЗ.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 24 февраль. ПҚ-4611.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25 декабрь. 598-сон.

Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. (2021) Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” 560 бет. 187-бет.